



**Шаҳноза АСҚАРОВА**

катта илмий ходим-изланувчи  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
*shkasqarova@mail.ru*

## **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТАКРОР ИФОДА ВОСИТАСИНING ТУРЛАРИ**

Мақола инглиз ва ўзбек тилларида такрор ифода воситасининг турларини таҳлил қилишга бағишланган. Ҳар икки тилга оид манбалардан олинган маълумотлар ҳамда тадқиқотчиларнинг бу борадаги фикрлари асосида такрорнинг турлари мисоллар ёрдамида ўрганилган. Мақола сўнгида мазкур воситанинг ўрганилаётган тиллардаги турлари ҳақида тилшунослар томонидан айтилган фикрлар умумлаштирилиб, муаллиф хулосаси тақдим этилган.

Статья посвящена исследованию видов повтора как средства выразительности в английском и узбекском языках. На основе сведений, полученных из источников, касающихся двух языков и мнений исследователей, проанализированы виды повтора.

The article is devoted to the analysis of the types of repetition as the means of expression in English and Uzbek. Types of repetition were analyzed on the basis of the sources pertaining to each of two languages as well as the researchers` ideas. In conclusion thoughts of various linguists on this problem will be generalized and types of repetition will be summarized.

**Калит сўзлар:** такрор, восита, таҳлил, гап, анафора, эпифора, эмоционаллик.

**Ключевое слова:** повтор, средства, анализ, предложение, анафора, эпифора, эмоциональность.

**Key words:** repetition, means, analysis, sentence, anaphora, epiphora, emotionality.

Интенсивлик ва эмоционаллик борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати ҳамда ҳолати билан бевосита боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Тилшунослиқда интенсивлик ва эмоционалликни ифодалаш учун бир қанча воситалар қўлланилади. Шулардан бири – такрор маънони кучайтириш, интенсивлик ва эмоционалликни ифодалаш учун хизмат қилади. Такрор оғзаки ва ёзма нутқда, адабий, публицистик, илмий ва услубларда кенг тарқалган, шу боис кўплаб тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бир қарашда

такрорнинг қандай хусусиятларга эга эканлиги аниқдек. Бироқ, мазкур лисоний ҳодиса билан боғлиқ жиддий изланишларни талаб қиладиган муаммолар кўп. Антик даврларда такрор риторик бирликлар гуруҳига киритилган. Стилистика фанининг ажралиб чиқиши билан унга стилистик ҳодиса сифатида қарай бошладилар. Гапдаги алоқа бирлиги сифатидаги хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар XX асрга келиб пайдо бўла бошлади. Тадқиқотларнинг аксарияти шеърӣ матнларда такрорнинг ўрнини ўрганишга бағишланган. Айрим тадқиқотчилар эса такрорга бадий матн куришдаги бирлик сифатида эътибор қаратадилар.

Тилшунослар А.Шомақсудов, С.Глазирин, Ш.Балли, Ю.Казакова, Е.Давидова ва И.Туранский такрорни ўзбек, инглиз, рус ва француз тиллари мисолида ўрганиб, унинг таърифи, турларига алоҳида аҳамият берганлар.

Инглиз тилига оид лингвистик адабиётларда такрорнинг хусусиятларига кўра кўплаб турлари ҳамда ифода воситаси сифатидаги вазифалари мавжуд. И.Мусаев инглиз тили стилистикаси ҳақида маълумот берувчи “Stylistics” деб номланган ўқув қўлланмасида такрорга стилистик воситалардан бири сифатида ёндашган. Шундан келиб чиқиб, уни куйидаги турларга бўлиб ўргандик:

**1. Анафора** (anaphora) – такрорланувчи сўз ва жумлалар ҳар бир гап, бўлак ёки жумланинг бошида келади. “*I want her to live. I want her to breathe. I want her to aerobicize*” (Weird science, 1985).

**2. Эпифора** (epiphora) – такрорланувчи бўлак кетма-кет келадиган гаплар, бўлақлар ва жумлалар охирида келади. “*Through his brain slowly shifted the things they had done together. Walking together. Dancing together. Sitting silent together. Watching people together*” (P. Abrahams).

**3. Анадиплосис** (тўпловчи) такрор (anadiplosis or catch repetition) – бир гапнинг охирида келган жумланинг иккинчи гап бошида келишидир. “*Failure meant poverty, poverty meant squalor, squalor led in the final stage of stagnation*” (P. Abrahams).

**4. Ҳалқа такрор** (framing or ring repetition) – бир хил жумланинг маълум бир гапнинг боши ва охирида ифодаланиши ҳисобланади. “*Poor doll’s dressmaker! How often so dragged down by hands that should have raised her up; how often so misdirected when losing her way on the eternal road and asking guidance! Poor, little doll’s dressmaker!*” (Dickens).

Такрорнинг бу тури кўпроқ назмий ва насрий матндаги бирор банддаги мазмунни ўта таъсирчан қилиб ифодалаш мақсадида қўлланилади.

**5. Занжир такрор** (chain repetition) – ифодадаги бир бўлакнинг сўнгги сўзи ёки жумласи кейинги бўлакнинг бошида такрорланади ва ҳар икки бўлакни бири-бирига боғлайди. “*But two minutes later the sun vanished behind flying cloudy contents,*

a relative darkness *descended* on the summer afternoon, and rain too *descended* – *descended* in such soaking overwhelming quantities that...” (I. Murdoch).

**6. Ўзак такрор** (root repetition or polyptoton) – бунда бир сўз эмас, балки бир ўзакдан олинган сўзларнинг турли кўшимчаларни олган ҳолдаги такрори назарда тутилади. “I hear the voices, and I read the front page, and I know the speculation. But I’m the *decider*, and I *decide* what is best” (George Bush).

**7. Синоним такрор** (synonym repetition) – бу турдаги такрорнинг табиати бир тушунчани бир неча синонимлар воситасида такрорланиб келиши билан белгиланади. “A horrible despair and at the time a sense of *release*, *liberation* came over Harmon; she fondly seized the yelling, wet child and *hugged* it and *soothed* it and *comforted* it in her encircling beautiful arms” (A. Bennett).

**8. Тавтология** (pleonasm and tautology) – такрорнинг бу тури синоним такрорга яқин туради. Одатда, у гап бўлақларининг такроридан ташкил топган бўлиб, от ёки олмош воситасида ифодаланади. Масалан:

“And *the books* – *they* stood on the shelf”

“It was a clear starry night and *not a cloud to be seen*”.

Ўзбек тилида такрор ифода воситаси хусусида А. Шомақсудов ўзининг ўзбек тили стилистикасига бағишланган китобида куйидаги фикрларни илгари суради ва мисоллар орқали изоҳлайди. Сўзловчи ўз сезгиларига иборанинг мос эмаслигини англаб, сифатни миқдор билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу эса такрорни юзага келтиради. Такрор эмоционал нутқни характерлайди.

Кузатишларимиз натижасида такрорнинг куйидаги турлари аниқланди.

1. Такрор айнан бўлиб, ёнма-ён келади. Такрорнинг бу кўриниши куйидаги шаклга эга:

а) гап такрори: *Ҳаммаси бўлади, ҳаммаси бўлади!* – деди у ўзича, – боғлар ҳам, гуллар ҳам тўю-томошалар ҳам (Ж. Абдуллаев).

Такрорнинг бу кўриниши кўпроқ шахси аниқ бир бош бўлакли гаплардан иборат бўлади.

б) гап бўлақлари такрори: *Икромжон йиглади, йиглади, йигидан кўз ёшлари қуриди. Кўзларидан ёш думалайверди, думалайверди* (С. Аҳмад).

в) ёрдамчи сўзлар такрори: *Бироқ, бироқ Дилдор яшаётган уйда туришни у ўзини ўзи ҳақоратлаш деб биларди* (С. Аҳмад).

2. Такрор айнан бўлади. Лекин кейинги бўлак бошқа бўлақлар билан кенгайиб келади. Бу маънони янада кучайтиради, таъкидлайди. Бундай такрорлар ҳам гап такрори, гап бўлаги такрори, ёрдамчи сўз такрори шаклида бўлиши мумкин:

а) гап такрори: **Жуда ўзгариб кетибди**, – ўйларди Абдулла уйга қайтар экан. – **Жуда ўзгариб кетибди**. Наҳотки икки йил ичида шундай ўзгариш мумкин бўлса?(Ў. Умарбеков).

б) гап бўлаги такрори: **Сувни, тўлиб-тўлиб оққан сувни** кўрсам кўзим қувонади, тўлқинида қулоч отсам кўнглим яйрайди (Й. Ш).

в) модал сўз такрори: **Афсус, минг афсуски, насиҳатимга қулоқ солмадингиз, насиҳатимга юрмадингиз** (Ҳ. Ғулом).

3. Такрор айнан бўлади. Лекин улар орасида бошқа бўлақлар келади: – **Секин, яхши қиз, секин**, – деди шарфли йигит ҳамон кулиб (Ў. Ҳошимов).

4. Такрорнинг иккинчи компоненти қисқарган шаклда бўлади:

*Гунафшалар очилди,*

**Чаккангга тақ, чаккангга.**

*Атир ҳиди сочилди,*

**Чаккангга тақ, чаккангга** (З. Диёр).

Айрим ҳолларда такрорнинг тавтология турига услубдаги хатолик деб қаралади. Лекин нотиклик санъатида у жамоат эътиборини ушлаб туриш учун хизмат қилади. Такрорнинг етакчи вазифаларидан бири – ифодани кучайтириш, ҳикояга урғу беришдир. Шеърятда такрор ритмик вазифани бажаради. А. Шомақсудов И. Мусаевдан фарқли равишда, ўзбек тилида анафора ва эпифорани такрорнинг таркибига киритмай (такрорнинг турлари сифатида ўрганмай), балки синтактик фигураларнинг турлари сифатида таҳлил қилган. Улар жумласига анафора, эпифора, композицион боғланиш, такрор, синтактик параллелизм, антитеза, градация, риторик сўроқни киритиш мумкин. Аммо А.Шомақсудов синтактик фигуралар сафига қўшган анафора ҳам И. Мусаев таҳлилидаги (такрорнинг тури) анафора кабидир. Анафорада такрорланувчи сўз ва жумлалар ҳар бир гап, бўлақ ёки жумланинг бошида келади. Бунда бир неча гаплар, мисралар, абзацлар бир хил сўз ёки бирикмалар билан бошланади. Бу параллелизмни ҳосил қилиб, тингловчининг диққати такрорланувчи бирликларга тортилади. Анафоралар гап, шеърый сатр ва абзацларни ўзаро муносабатга киришиш усули бўлиб хизмат қилади. Аммо **шу муҳит, шу қайноқ ҳаётда, шу гўзал инсонлар орасида, афсуски, Каримлар ҳам бор!**...(Ҳ. Ғ.).

Эпифора – анафоранинг акси. Бу усул билан такрорланган жумлаларнинг маъноси кучайтирилади. Анафора оғзаки ва ёзма нутқда бирдек қўлланса, эпифора, асосан, ёзма нутқ учун хосдир.

*Жувоннинг бутун берган дашноми ҳам бир бўлди-ю, ҳозир бодринг узатгани ҳам бир бўлди* (А. Қ.).

Бундан ташқари, хориж тилшуноси П.Нобилининг мазкур стилистик восита хусусидаги фикрлари диққатга сазовор. Жумладан, у такрор деганда

харф, товуш, сўз, жумла сегментлари – кичик ифодаларнинг тўлиқ такрорланишини тушунади. У лексик ёки синтактик характердаги турланиш билан такрорланишни реформуляция, деб атайди. Бу икки гуруҳнинг биринчиси – такрорга тадқиқотчининг қуйидагича ёндашувида: гапирувчининг беқарорлиги асосида вужудга келувчи уятчанлик, завқ-шавқ, таъсирчанлик каби туйғулари ҳамда шундай беқарорлиги туфайли юзага келадиган такрор бўлиб, у сўзловчининг суҳбатдошга ўз фикрини тушунарли қилиб етказиш мақсадида механик талаффузда тез-тез кузатиладиган паузаларда тегишли (зарур) сўзларни қўллашида кўришимиз мумкин.

Шунга кўра лексик такрор учта кичик турга эга бўлади: а) нарратив-дескриптив жанрга хос такрорлар; б) нарратив-дескриптив жанрга хос стилистик функцияларни бажарувчи такрорлар; в) матн яхлитлигини таъминловчи дискурсив функциядаги такрорлар назарда тутилади.

Демак, ҳар икки халқнинг миллий-маданий хусусиятларидан келиб чиқиб, такрор ҳар бир тилда ўзига хос йўсинда тадқиқ этилган. И. Мусаевнинг таҳлилларига қўшилган ҳолда анафора, эпифора каби синтактик воситаларни такрорнинг турлари сифатида талқин қилиш мумкин. Такрорнинг стилистик вазифалари турли ва кўп қирралидир. Гапнинг энг муҳим бўлагига урғу бериш, сўзловчининг хиссий ҳолатини тасвирлаш, унинг таърифланаётган объектга эмоционал-экспрессив муносабатини кўрсатиш ҳамда жараён давомийлигини ифодалашда такрор муҳим стилистик рол ўйнайди. Кўп стилистик воситалар каби у ҳам кўп вазифаларни бажаради.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Балли Ш. Стилистика французского языка. – М.: Наука, 1979.
2. Зияев А. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти. Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Т., 2009.
3. Musaev I. Stylistics. T., –Ukituvchi, 2008.
4. Шомақсудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўзбекистон, 1983.